

## Қишлоқ хўжалиги илм-фанини ривожлантириш

Қишлоқ хўжалиги илм-фанни ривожлантириш бўйича 2021 йил 29 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мутахассислари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазири И.Ю.Абдурахмонов иштирокида қишлоқ хўжалиги соҳасининг етук олимлари, Республикадаги соҳа билан боғлиқ ОТМ лар ва ИТИ лар раҳбарлари, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида амалга оширилган ва оширилаётган илмий лойҳалар раҳбарлари ва ижрочилари ўртасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбатида Инновацион ривожланиш вазири И. Абдурахмонов сўзга чиқиб, давлат буюртмалари бўйича илмий лойиҳаларни шакллантириш, танловини ўтказиш ва ёлибларини аниқлаш жараёни хақида маълумот берди. Шу билан бир қаторда вазирлик томонидан 200 та олимларни бепул “Инглиз тили” курсларида ўқитиш ҳамда “Лойиҳа тайёрлаш” бўйича маслаҳатлар бериш бўйича семинар тренинглари ташкиллаштирилиши юзасидан маълумот бериб ўтди.



Давра суҳбатида институтимиз профессор ўқитувчиларидан Хамидов М.Х. ва Матякубов Б.Ш., Исаев С.Х., Шеров А.Ф., Рамазанов О.Р., Ишчанов Ж.Клар иштирок этишди. Тадбирда Давлат буюртмаси асосида лойиҳалар танлови, вазирликка тақдим этилган лойиҳалардаги камчиликлар, уларни кўриб чиқилишидаги шаффофликлар, соҳа илм-фанини ривожлантириш, бунда олимларнинг ташаббускорликларини ошириш, илмий тадқиқотларни молиялаштиришда хусусий секторнинг ўрнини ошириш, ишлаб чиқарувчилар билан соҳа олимларининг учрашувларини, ярмаркаларни ташкил қилиш, марказлашган илмий лабораторияларни ташкил этиш, “Extension service” тизимини жорий этиш, халқаро тан олинган базаларга киритилган журналларда илмий натижаларни чоп этиш, ва бошқалар бўйича таклифлар берилди. Давра суҳбатида институтимиздан ўз таклифлари билан “ИТИ ва ИПКТ” бўлими бошлиғи проф. Б.Матякубов ва докторант PhD Ж.Ишчановлар иштирок этишди.



Давра суҳбати якунида ИРВ хузуридаги “Қишлоқ хўжалиги, ветеринария ва атроф муҳит муҳофазаси” фанлари бўйича ИТК раиси проф. М.Хамидов вазирлик томонидан танловларни ташкил этилиши, лойиҳаларни экспертизасида инсон факторини камайтириш, экспертиза марказини ташкил этиш, соҳа илм-фанини келажаги, бунда фанлараро тадқиқотларнинг ўрни, ташаббускор лойиҳалар танловини ўтказиш ва бошқалар хақида ўз фикр-мулоҳазалари хақида тўхталди. “Қишлоқ хўжалиги илм-фанини ривожлантириш” мавзусидаги давра суҳбати қизиқарли ва асосийси фойдали бўлди.

**“ИТИ ва ИПКТ” бўлими бошлиғи проф. Б.Матякубов маълумоти**